

**Қудрат Машарипов,
Ханифа Рахимова**

ҚАЛЪАЖИҚ-ҚАЛЪА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.Машарипов, Ҳ.Рахимова

ҚАЛЪАЖИҚ-ҚАЛЪА
(услубий қўлланма)

Ушбу монография Урганч Давлат университети илмий-услубий кенгашининг йилги таълим бажинамаси қарорига асосан нашрга тавсия этилган

Урганч – 2016

63.3(5Ў)

М 34

Қ.Машарипов, Х.Рахимова. Қалъажик-Қалъа. Услубий қўлланма. Масъул муҳаррир **У.Абдуллаев.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университети. Урганч, УрДУ нашрилик бўлими, 2016-йил. 32 бет.

КБК 63.3(5Ў)

УЎК 94(575.171-25)

Мазкур рисолада Қалъажик-қалъа тарихи атрофида ёритишга ҳаракат қилинган. Қалъажик-қалъани ўрганиш орқали Хоразм тарихида маълум бўлмаган қирраларни очиш, Хоразмда антик ва ўрта асрлар шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шариҳларини ўрганиш, уларнинг маддий маданияти масалалари ва топографик тузилиши ҳамда ўзига хос анъаналари аниқлаш имконини беради. Бу шаҳарни ўрганиш кўп жиҳатдан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан Хоразмда шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганишда, иккинчидан қадимги Хоразм давлатчилиги муаммоларини ечишга ҳамда учинчидан ҳозирги кунда давлатимизнинг энг долзарб сифатидан бири бўлиши туризмни ривожлантиришда ёрдам бериши мумкин. Ва ниҳоят, шифобахш кўл сувлари ва қумларнинг мавжудлиги Қалъажик-қалъа ёлғорлигини архео-экотуризм марказларидан бирига айлантиришга имкон беради. Шу жиҳатдан олганда, мазкур рисолада Қалъажик-қалъа тарихига доир ёзма маълумотлар, афсоналар, шу кунгача Қалъажик-қалъада олиб борилган тадқиқотлар натижалари қисқача баён қилинади. Рисола тарих, археология, шаҳар маданияти билан кизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

У.Абдуллаев, тарих фанлари номзоди

Такриччилар:

**Р.Абдиримов, тарих фанлари номзоди,
А.Абдурасулов, тарих фанлари
номзоди**

ISBN: 978-9943-4705-0-7

© УрДУ нашрилик бўлими, 2016.

© Қ.Машарипов, Х.Рахимова. Қалъажик-Қалъа. Услубий қўлланма.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудини холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»¹. Демак, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қудратини ошириш билан бир қаторда аجدодларимиз тарихи ва меросини мукамал ўрганиш орқалигина миллий ўзликни англашимиз ҳамда Ватанимизни дунёдаги юксак даражада ривожланган давлатлар сафида кўришимиз мумкин.

Ана шу мақсадда республикада мустақилликка эришган дастлабки йилларданок тарихимизни янада чуқурроқ ўрганишга катта эътибор берилди бошланди. Айниқса мамлакатимиз ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши ва шаклланиши муаммолари борасида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилди. Айнан давлатчиликнинг вужудга келишида шаҳарларнинг ролига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан Хоразмда шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда археология фанининг салмоғи беқиёсдир.

Жанубий Хоразм антик ва ўрта асрлар шаҳарлар тарихи ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 140-Б.

унинг моддий маданияти масаласини, топографик жиҳатдан тузилишини ўрганиш шу кунгача илмий жиҳатдан тўла-тўқис тадқиқ қилинмаган муаммолардан саналади. Бу муаммо доирасида айниқса катталиги жиҳатдан ўртача ҳажмдаги шаҳар типларига асосий эътиборни қаратиш мумкин.

Қадимги Хоразм давлати худудида Амударёнинг чап соҳилида жойлашган Қалъажик-қалъа ана шу типдаги шаҳарлар сирасига киради. Бу шаҳарни ўрганиш кўп жиҳатдан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан Хоразмда шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганишда, иккинчидан қадимги Хоразм давлатчилиги муаммоларини ечишга ҳамда учинчидан ҳозирги кунда давлатимизнинг энг долзарб сиёсатидан бири бўлмиш туризмни ривожлантиришда ёрдам бериши мумкин. Ва ниҳоят, шифобахш кўл сувлари ва қумларнинг мавжудлиги Қалъажик-қалъа ёдгорлигини архео-экотуризм марказларидан бирига айлантиришга имкон беради.

Бизга маълумки бундай типдаги шаҳарларнинг моддий маданияти, топографик тузилиши ҳақида кўпроқ ёзма манбаларда маълумот келтирилади, лекин археологик жиҳатдан бу манбаларни тасдиқлаш борасида ҳали кўп иш қилингани йўқ. Тўғри собиқ шўролар даврида Хоразм

археология – этнография экспедицияси томонидан анча ишлар қилинган, бироқ асосан йирик ҳажмдаги шаҳарларда ҳамда асосан Хоразм вилоятидан ташқаридаги ҳудудларда тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин шуни қайд қилиш керакки Хоразм вилоятида ҳам Ҳазорасп, Хивада кенг археологик тадқиқотлар ўтказилган, аммо уларнинг ўрганилиши жараёнида шаҳарнинг ички тузилишини тўла ёритиш учун имконият бўлмаган ва асосан муҳофаа девори атрофида қисман ишлар қилинган. Чунки бу ёдгорликларнинг асосий қисмида ҳозирги кунгача ҳам аҳоли истиқомат қилади. Фақат Қалъажик-қалъада кенг қамровли ишлар олиб бориш учун қулай шароит мавжуд. Чунки, бу ёдгорлик атрофида аҳоли узокроқда яшайди ҳамда фақат маълум мавсумдагина одамлар билан гавжум бўлади. Шу билан бирга, ёдгорлик атрофларида ҳам кенг қамровли археологик тадқиқотлар олиб бориш мумкинки, ёдгорлик атрофидан Кичик Қалъажик, Ғойибота ва Қушчақирган ҳамда Раим-бобо каби ёдгорликлар топиб ўрганилганлиги Қалъажик ёдгорлиги антик ва ўрта асрларда бой деҳқончилик воҳаларидан бири бўлганлигини кўрсатиши билан бирга муҳим тарихий маълумотлар тўпланишига ҳам имкон берган бўларди.

Қалъажик-қалъани ўрганиш орқали Хоразм тарихида маълум

бўлмаган қирраларни очиш, Хоразмда антик ва ўрта асрлар шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитларини ўрганиш, уларнинг моддий маданияти масалалари ва топографик тузилиши ҳамда ўзига хос анъаналари аниқлаш имконини беради.

Қалъажик-қалъа тарихининг ёзма манбаларда ёритилиши

Қалъажик-қалъа ёдгорлиги ҳақидаги ёзма манбалар маълумотларига тўхталиб ўтишдан олдин унинг ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу ёдгорлик Боғот туманида, Ҳазорасп шаҳридан 25 км, туман марказидан эса 21 км ғарбда жойлашган. Қалъа нотўғри тўртбурчак шаклига эга бўлиб, шимолий девор узунлиги – 184 м, жанубий девор – 211 м, ғарбий девор – 72 м, шарқий девор эса – 114 м ни ташкил этади. Умумий майдони – 6 гектар. Милоддан аввалги IV асрга оид.

Ҳазорасп маданий-хўжалик массиви таркибига кирган микроҳоалардан бирини ҳосил этиб, нотўғри тўғрибурчак тарзда текисликка барпо қилинган.

Қалъажик-қалъа ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосан IX-XII асрлар араб-форс манбаларида кўп учрайди. Чунки бу асрларда бутун Шарқ ҳудудларида юксак даражадаги иқтисодий ва маданий тараққиёт кузатилади. Шу билан бирга бизнинг мавзумизга оид бу маълумотлар яна шуниси билан аҳамиятлики, мазкур манбалар муаллифлари ўзлари кўрган ва шоҳиди бўлган воқеаларнигина келтириб ўтганлар.

Қалъажик – қалъа ўрта асрлар манбаларида турли номлар билан эслатиб ўтилган. Муаллифи номаълум бўлган

ва форс тилида битилган “Худуд ал – олам” асарида у Кардасхаз, ал –Истахрий ва ал – Макдисий каби муаллифлар асарларида Кардаранхош ва Кардаранхос, Абулхозий, Мунис ва Огахий каби хоразмлик тарихчилар асарларида эса Кардан хаст ёки Гардан хаст каби номлар билан қайд қилиб ўтилган. Аммо бу манбаларда Кардаранхос ва унинг ҳажми ҳақида турли фикрлар билдирилган. Масалан, бу шаҳар “Худуд ал – олам” асарида кичик бир шаҳар бўлиб, аммо атрофи бой деҳқончилик воҳаси ва кўплаган қишлоқлар билан ўралганлигини қайд этгани ҳолда, ал – Истахрийда энди у худди Ҳазорасп каби мустаҳкам мудофаа тизимига эга йирик қалъа сифатида таърифланади. Макдисий маълумотларига кўра эса у катта ёғоч дарвозалари ва ҳандағи бўлган кучли истехком ҳамда савдо маркази бўлган¹. Бундай ҳолат табиий албатта, чунки бу маълумотларни қолдирган муаллифлар бир – биридан сал кейин Хоразмда бўлишиб, Хоразмдаги шаҳар маданиятининг йил сайин тараққий қилиб борганлигининг гувоҳи бўлганлар. X асрга оид бўлган бир қатор тарихий ва археологик ашёвий далиллар Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан тез юксалиш жараёнини бошидан кечирганлигини исботлайди. Ушбу прогрессив жараён Хоразмдаги

¹ Материалы по истории туркмен и Туркмении (кейинги бетларда МИТТ). Т. I. – М.-Л., 1939, с. 178-179, 181, 187-189, 206, 216.

шаҳарларнинг гуркираб ўсишида ўз аксини топди. Араб тарихчиси Табарий араблар Хоразмни истило қилган вақтда фақат 3 шаҳар — Кат (Фир), Ҳазорасп ва Урганч бўлганлигини кўрсатиб ўтганди¹. Яна бир араб тарихчиси Ал-Истаҳрий тахминан 930-933 йилларда Хоразмдаги шаҳарларни санаб ўтаркан: Хоразм (Кас), Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузбар, Кардаронхос, Кардар, Баратегин, Мазминия, Журжония (Гурганж) каби ўн учта номни тилга олади. Ниҳоят, 985 йилда Хоразмга келган араб муаллифи ал-Мақдисий воҳа шаҳарлари сони 32 бўлганлигини ёзади. “Ҳудуд ал – олам” асарининг номаълум муаллифи бу даврда Хоразмда қанча шаҳар бўлганлигини қайд қилиб ўтмасда, улар ҳақида қисқа – қисқа маълумотлар келириб ўтади².

Ўрта асрлар манбаларидаги Кардаранхос шаҳрининг ҳозирги Қалъажик харобаларига тўғри келишини биринчи бор XIX аср голланд тарихчиси Де Гуйе илгари сурган эди. У нафақат араб – форс манбалари балки эски ўзбек тилидаги манбаларни чуқур ўрганиш асосида Абулғозий асаридаги Гардан хаст айнан араб манбаларидаги Кардаранхос шаҳри эканлигини, Кардаранхос эса Қалъажик харобаларига тўғри

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 250-б.

² МИТТ, т. I, с. 178,187,216.

келишини таъкидлаган эди¹. Жумладан, X аср араб сайёҳи ал-Истаҳрий ўзининг Марказий Осиё, хусусан, Хоразмга қилган сафари чоғида Хоразмнинг шу вақтдаги шаҳар-қишлоқлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтган. У Хоразмдаги ўша давр шаҳарларини савдо йўлида жойлашувига кўра тасвирлаб ўтади. Жумладан, Ҳазораспдан шу давр Хоразм пойтахти Катгача бўлган карвон йўлини тасвирлашга ҳаракат қиларкан уни қуйидаги бўлақларга бўлиб кўрсатган: Ҳазорасп–Кардаранхос оралиғи 3 фарсах (1 фарсах — 6-8 км.); Кардаранхос-Хива — 5 фарсах; Хива-Сафардиз — 5 фарсах; Сафардиз-Кат — 3 фарсах². Ҳозирги кунда Кардаранхос қалъасининг Катта Қалъажикга, Сафардизни Хонқа яқинидаги Мадир қишлоғига, Катни ҳозирги Беруний шаҳрига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, ал-Истаҳрий келтириб ўтган ўлчовлар бугунги кундаги ўлчов бирликларига тахминан тўғри келади. Аммо нима учун Ҳазораспдан Катга бориш учун Зардух, Қалъажик, Хива, Сафардиз орқали ўтадиган халқа йўлдан юриш лозим бўлган? Балки бу даврда Амударё ўзани Хоразм воҳасининг Қорақум саҳросига яқин ерлардан ўтганлиги сабабли сайёҳлар ва савдогарлар айланма йўллардан юришга мажбур бўлишгандирлар?

¹ De Goeje M.J. Das alte Bett des Oxus Amu-darja. — Leyden, 1875, p.84.

² МИТТ, т. I, с. 181.

Ўз навбатида ал – Истаҳрийдан сал кейинроқ Хоразмга ташриф буюрган яна бир араб сайёҳи ал-Мақдисий Хоразмнинг ички савдо йўллари ҳақида маълумотлар қолдирган бўлиб, Ҳазорасп ва Гурганж шаҳарлари орасидаги масофани қуйидагича тасвирлаган эди:

Ҳазорасп — Зардух (ўнг қирғоқда) — 2 барид (1 барид — 2 фарсах – 12 – 16 кмга тенг, тўхташ жойи); Кардаронхос — 1 барид (тўхташ жойи); Хива — 2 тўхташ жойи; Рахушмитан ёки Ардахушмитан — 1 тўхташ жойи; Даскананхос — 1 ўтиш жойи(дарё ёки канал бўйида жойлашган қалъа – шаҳар бўлса ўтиш жойи деб ҳисобланган); Узарманд ёки Вазарманд — 2 тўхташ жойи; Рузунд — 1 тўхташ жойи; Нузвар — 2 ўтиш жойи; Замахшар — 1 ўтиш жойи; Гурганж — 1 ўтиш жойи¹.

Археолог олимлар томонидан юқорида тилга олинган тарихий жойларни ўрганилиш жараёнида уларнинг баъзиларининг ўрнини тўла аниқлаш имкони бўлмаган. Жумладан, манбалардаги Зардух шаҳри жойлашган ўрни масаласида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, В.В.Бартольд ва Я.Ғ.Ғуломовлар бу шаҳар номи Мақдисий йўлномасида хато келтирилган деб ҳисоблайдилар. Бу фикрни улар Зардух шаҳри ўрта асрларда

¹ МИТТ, т. I. с. 206.

чап қирғоқ эмас, балки, ўнг қирғоқ Хоразм шаҳарлари жумласига кирганлиги билан асослайдилар¹. Қалъажик ёдгорлигини ўрганган археолог олим М.Мамбетуллаевнинг фикрича эса у Боғот туманидаги Ғойибота ёдгорлигига (афсуски Ғойибота ёдгорлиги ҳозирги кунга келиб қабристон вазифасини бажараётганлиги учун тўлиқ ўрганиш имконияти йўқ) тўғри келади².

Бунинг устига айрим манбаларда мавжуд чалкашликлар ҳам мазкур тадқиқот ишимизни мураккаблаштиради.

Хоразмда шаҳарларнинг пайдо бўлиши, деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, айниқса сунъий суғориш жарёни кенгайтиши унга кучли туртки берган. Бу жараён Қалъажик-қалъага ҳам тегишли бўлиб, ўрта асрларда нафақат унинг номи Кардаранхос деб юритилган, балки унинг ёнидан оқиб ўтувчи канал ҳам Кардаранхос деб аталган. Жумладан: "Ҳазораспдан бошлаб Жайхун қирғоқларида каналлар қазилган, — деб ёзганди ал-Истаҳрий. — Улар орасида Ҳазорасп канали ҳам бўлиб, узунлиги жиҳатидан у Гавҳара каналининг ярмига тенг келади. Кейин эса Ҳазораспдан икки фарсах масофада Кардаранхос канали бўлиб, у Ҳазорасп каналидан каттадир.

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского завоевания // Сочинения, т. 2. — М.: «Наука», 1964, с. 101; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. — Т., 1959, 149-бет.

² Мамбетуллаев М.М. Отчет об археолого-топографических изысканиях на территории Хорезмской области в 1974 году. С.62.

Ундан сўнг Хива канали келади ва у Кардаронхосдан катта, ундан кемалар то Хивагача қатнаб турганлар"¹. Демак, Истахрийнинг кўрсатишча, Амударёнинг чап соҳилида Ҳазорасп (Хасса канали), Кардаронхос (Қалъажик, Довуд қалъа канали), Хива (Полвонёп), Мадра (Ғазовот), Бува (Ёрмиш) ва Вадақ (кейинги Шоҳобод) каналлари фаолият юритиб, деҳқончилик, савдо – сотиқ ва шаҳар маданиятининг тараққиётида муҳим роль ўйнаганлар. Агар Хоразм билан Мовароуннаҳрни боғловчи савдо йўллари ва унда жойлашган савдо марказлари, карвонсаройларни тарихий манбалар билан археологик тадқиқотлар маълумотларини бир-бирига таққослаб ўрганадиган бўлсак, ўрта асрларда Ҳазораспдан Кардаронхос (Қалъажик) орқали Гурганжни боғлаб турувчи битта қуруқлик ва Амударё орқали (аниқроғи ундан чиқарилган Кардаронхос канали орқали) битта сув савдо йўли мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Шу билан бирга мавжуд савдо йўллариининг аксарияти Кардаронхос орқали ўтганлиги, мазкур ёдгорлик атрофларидан деҳқончилик воҳаларининг ҳамда кўплаган ёдгорликларнинг излари топилиши унинг савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш ва кучайтиришда алоҳида аҳамияти бўлганлигини ҳам кўрсатади.

¹ МИТТ, т. I, с. 179.

Қалъажик тарихига доир маълумотлар Абулғозийнинг “Шажарайи турк” асарида ҳамда Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарларида ҳам қисман келтириб ўтилган. Бу манбаларда ёдгорлик Гардан хаст ёки Кардан хаст номлари билан эсга олинади. Улар Қалъажикқалъа атрофидаги кўллар илгари Кардан хаст деб аталганлиги, кейинги даврларда (XVII – XIX асрларда) эса Нукус кўли номи билан аталишини қайд қилиб ўтганлар. Жумладан, Абулғозий ўзининг “Шажарайи турк” асарида Бухоро хони Убайдуллахоннинг Хоразмга юриши тафсилотларини келтириб ўтар экан, унинг 1539 йилдаги иккинчи юриши даврида Динмуҳаммад бошлиқ Хоразм кўшинлари Кардан хаст (Қалъажик) ёнидаги жангда бухороликларни тор – мор келтиришганлигини ёзади¹. Бу воқеалар Мунис ва Огаҳий асарларида ҳам айнан шу тарзда ўз аксини топган. Мунис ва Огаҳий асарида яна 1787 йилда, яъни, Муҳаммад Амин инок даврида манғитликлар исён кўтарганлиги воқеаси келтириб ўтилади. Қўзғолон тафсилотидан маълум бўладики, Хива хони манғитликларни тор – мор этгач, уларнинг Нукус қалъасини вайрон қилиб, унинг аҳолисини Бешарикқа кўчиртиради. Улар айнан Қалъажик харобалари атрофига кўчирилган бўлса керак. Чунки, шунинг учун ҳам Қалъажик

¹ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Т., 1959, 133-бет.

харобаларида жойлашган кўл яна Нукускўл деб ҳам аталади¹.

Хоразм воҳаси шаҳарлари тарихини тадқиқ қилишда маҳаллий топонимлар жуда қимматли манба ҳисобланади. Аммо уларнинг моҳиятини очишга тарихчи, шарқшунос ва тилшунос олимлар (проф. В.А.Лившиц, проф. А.И.Абаев каби рус олимлари, ўзбек олимлари З.Янгибоев, Ф.Абдуллаев ва З.Дўсимовларни ҳисобга олмаганда) етарли эътибор бермасдан келмоқдалар.

Хоразмда мавжуд жой номлари жуда қадимги даврларда шаклланган. Улар орасида "уй", "яшаш жойи", "шаҳар", "манзилгоҳ" маъноларини англатувчи ўзакдан ташкил топган бир қатор номлар бор.

Қалъажик сўзининг маъноси ҳақида турли фикрлар бўлсада, аксарият олимлар унинг маъноси “кичкина қалъа” деган фикрга таянадилар. Унинг ўрта асрлардаги номи Кардаранхос сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак бу ҳақда ҳам турли фикрлар бор. Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари номларида «хос» иборалари учраб туради. Жумладан, Хива ва Кат шаҳарлари оралиғида Кардаронхос ва Дасканонхос шаҳарлари жойлашган. Проф. В.А.Лившиц фикрича, «хос» сўзи — "манзилгоҳ", "яшаш жойи"

¹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул – Иқбол. (Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи Ш. Воҳидов). – Т., 2010, 155-бет.

маъносини билдирсада, айрим ҳолларда сўғдчадаги — kand-kat-kav, яъни шаҳар сўзи билан этимологик жиҳатдан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин¹. Хоразм вилоятидаги ўзбекларнинг этнографиясини чуқур ўрганган Г.П.Снесарев таъкидлаганидек, «хос» ибораси жанубий Хоразм топонимикасида жуда кўп учрайди. Жуворхос, Навхос, Пирнахос, Зенахос, Незахос, Чорхос каби номдаги қишлоқлар ўрта асрларда йирик аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар ҳисобланган². Шулардан келиб чиққан ҳолда Кардаранхос сўзи – “қишлоқ, қишлоқ маркази, йиғилиш жойи” ёки “марказий шаҳар” каби маъноларни билдириб, бу сўз маъносини янада чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишни талаб этади³.

Келгусида ҳам Хоразм шаҳарлари тарихини ўрганишда топонимик тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланиш лозим.

Умумий ҳолатда Хоразмнинг тарихий ёдгорликлари ҳақидаги X-XV асрлар ёзма манбаларида мавжуд маълумотларни археологик тадқиқотлар натижалари билан тўлдириш ва аниқлаштириш имкониятлари кенгайди.

¹ Неразик Е.Е. К проблеме развития городов Хорезма // В кн.: Культура и искусство древнего Хорезма. — М.: «Наука», 1981, с. 224.

² Снесарев Г.П. Объяснительная записка к "Карте расселения узбеков на территории Хорезмской области (конец XIX — начало XX в.). // В сб.: Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. — М., 1975, с. 88.

³ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. — Т., 1985, 24-25-бетлар.

Ҳозирги кунда тарихчи олимлар ўз вақтида ал-Истаҳрий, ал-Мақдисий каби сайёҳларнинг Хоразмнинг ўрта асрлар шаҳарлари хусусида қолдирган маълумотларини археологик изланишлар хулосалари билан таққослаб, мавжуд муаммони тўлиқ ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мана юқорида кўриб ўтганимиздек Қалъажик – Кардаранхос ҳақидаги ёзма манбалар асосан сайёҳ ва савдогарларнинг эсталикларидан, тарихчиларнинг ниҳоятда қисқа маълумотларидан иборат бўлиб, улардаги маълумотлар шаҳарнинг ҳажми, шу даврлардаги ҳолати, Хоразмнинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳаётида қандай ўрин тутганлиги ҳақида тўла – тўқис фикр билдириш имконини бермайди ҳамда умумий ҳолатда ёдгорликнинг тарихини тўлақонли ёритиш учун етарли эмас. Бу борада эса археологик тадқиқотлар ўта муҳим ҳисобланади.

Қалъажик-қалъани археологик жиҳатдан ўрганилиши

Қалъажик-қалъани илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш XX асрнинг 2-ярмидан бошланди. Бу ёдгорликни биринчи бўлиб машҳур ўзбек археологи Я.Ғ.Ғуломов ўрганган. У 1938-1940 йиллар ва 1946-1950 йилларда Хоразмнинг суғорилиш тизими тарихини ўрганиш жараёнида Қалъажик ёдгорлигига ҳам эътибор қаратган. У бу ёдгорликда 1952 – 1956 йилларда археологик тадқиқотлар олиб борган. Я.Ғ.Ғуломов ўзидан илгариги тадқиқотчилар фикрига қўшилган ҳолда ёдгорликнинг вужудга келиши милоддан аввалги IV – III асрлар билан белгиланишини ва 2 та ривожланиш босқичини бошидан кечирганлигини қайд қилиб ўтган эди¹. Унинг фикрига кўра Қалъажикда ҳаёт айниқса милоддан аввалги IV – I асрларда гуллаб – яшнаган. Милодий I асрдан бошлаб қалъада ҳаёт сўниб бошлаб, IV асрда бу ёдгорлик бутунлай ташландиқ ҳолатга келган. Милодий VI асрдан бошлаб қалъа ҳаётининг иккинчи босқичи бошланган ва VIII асрда араб босқини муносабати билан яна бўшаб қолган. Фақат IX – XIII асрларда, яъни то мўғул босқинигача Қалъажик ниҳоятда гуллаб – яшнаган. Ўрта асрларда Қалъажик энди Кардаранхос номи билан юритилган. Я.Ғуломов Хоразм тарихчилари Абулғозий, Мунис ва Огаҳийларнинг

¹ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача. – Т., 1959, 88-89, 118, 125, 133-бет.

маълумотлари асосида Қалъажикда ҳаёт қисман XVI – XVIII асрларда ҳам давом этганлигини таъкидлайди¹. Археологик тадқиқотлар билан бирга этнографик тадқиқотлар қўшиб олиб борилиб, 1958-1960 йилларда Хоразм археология этнография экспедициясининг ўзбек этнографик отряди Г.П.Снесарев бошчилигида Қалъажик-қалъа атрофида дастлабки тадқиқотларни ўтказди. Шаҳар юза қатламларидан сопол идишлар олинди. Қалъа тарихига доир этнографик манбалар тўпланди². Шунингдек экспедиция аъзолари томонидан девор ёнида кичик шурф солинди. Солинган шурф натижасида милоддан аввалги IV-III асрлар ва милодий VII-XII асрларга тааллуқли идиш қолдиқлари топилди ва шаҳар ёши ҳам шу сана билан белгиланди. Бу маълумотлар алоҳида нашр қилинмаган. Бироқ баъзи монографияларида қисман эслатиб ўтилади.

Хуллас Қалъажик – қалъада олиб борилган археологик тадқиқотлар ва тўпланган ёзма манбалар маълумотлари асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, ёдгорлик худди Ҳазорасп каби асосан ҳарбий-мудофаа маркази бўлиб, милоддан аввалги IV аср бошида қурилган. Археологик тадқиқотлар натижасида яна ёдгорликнинг қурилиши икки

¹ Ўша жойда: 134, 217-бетлар.

² Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1958 – 1960 гг. – МХЭ, вып. 6. М., 1963, 22 – бет.

тарихий даврдан иборатлиги аниқланди. Яъни:

1 – босқич – мил.ав. IV-милодий IV асрлар;

2 – босқич – милодий VI- XII асрлар.

Биринчи тарихий даврда кенглиги 2,75м бўлган йўлаклик икки қаторли пахса мудофаа девор тикланган бўлиб, унинг жанубидаги узунлиги 211м, шимолда 184м, ғарбда 72м, шарқда 114 м, ташкил қилган. Ташқи девор қалинлиги 1,50м, ички девор эса 0,75м. Ёдгорликнинг шарқий девори ўртасига яқин жойда тепалик мавжуд бўлиб, у кириш қисмининг қолдиғи бўлса керак. Иккинчи қурилиш даврида пахса деворга квадрат ғиштлик девор қад кўтарилган.(40x40x10,44x44x13см). Ташқи деворга 5м узокликда қўшимча пахса девор қурилган, унинг баландлиги 0,80-1,20м. Ташқи деворда эса оралиғи 1,34-1,35м, кенглиги 0,20см, баланлиги 60см, ташқи томонда эса 1,50м найза ўқлик шинаклар жойлашган¹.

1973 – 1974 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси қорақалпоқ филиалининг М.Мамбетуллаев бошчилигидаги археологик отряди маданий қатламлар очилиб қолган жойларда юзасини тозалаш ишларини олиб борди ва шу билан бирга шаҳарнинг стратиграфияси ва хронологиясини аниқлаш учун икки жойда (ғарбий ва марказий қисмида)

¹ Мамбетуллаев М. Городище Каладжик. Вестник КК «Фан» УзССР, Нукус, №1, 1983.

шурф солинди. Бу тадқиқотларнинг натижалари илмий тўпламда нашр қилинган¹. Унга кўра шаҳар маданий қатламларга бой эмаслиги аниқланди. Ҳатто ёдгорликнинг кўпгина қисмидан ҳаёт излари умуман топилмаганлиги кишини ажаблантиради. Аммо шу билан бирга ёдгорлик мураккаб топографик тузилишга эга эканлиги аниқланди. Жумладан, Қалъажик энг дастлабки пайтда тўғри тўртбурчак шаклида бўлган ва икки қатор мудофаа деворига эга бўлган. Ҳар иккала девор ўртасида ҳимоячилар ва ўқчилар юриш учун кенглиги 2,80 – 3 м бўлган даҳлиз – коридор мавжуд. Коридорларда одам кўкраги баландлигида ҳамда бир – биридан 1,20 м масофада ўқ узиш шинаклари бўлиб, Қалъажик Хоразмда кам учрайдиган услубдаги, яъни, буржларсиз ва фақат шинаклардан иборат қалъа турига киради. Аммо энг қизиқарли қурилиш бу шаҳар дарвозаси бўлиб, у “Г” шаклига ўхшайдиган лабиринт (мураккаб адаштирма йўлак – дарвоза) шаклида қурилган. Дарвоза шундай қурилганки, душман аскарлари ва умуман жангчилар қалқонни ҳар доим чап томонида олиб юришидан келиб чиқиб, дарвозага кириши мумкин бўлган душманлар ҳар доим ўнг томондан, яъни қалқонсиз, ҳимоясиз тарафдан ўққа тутишга мўлжалланган. Бу ўз навбатида душманнинг

¹ Мамбетуллаев М. Городище Каладжик. Вестник КК «Фан» УзССР, Нукус, №1, 1983.

кўп қурбон беришига сабабчи бўлиб, уларнинг шаҳарни эгаллашини қийинлаштирган. Умуман олганда Қалъажикнинг деворлари Хоразмнинг бошқа қалъаларида бўлгани каби икки қаватли бўлган бўлиши мумкин. Кейинчалик шароитга қараб Қалъажикнинг шакли ўзгариб борган.

Юқоридаги археологик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, М. Мамбетуллаев Қалъажик антик даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам муҳофаа учун мўлжалланган типик қалъа бўлганлигини таъкидлайди. Асосий ҳаёт излари қалъа атрофларидан топилишига ва қалъа атрофида яна бир қанча археологик ёдгорликларнинг топилишига қараб, бу ёдгорликнинг худди Миздахқонга ўхшаб ўрта асрлардаги деҳқончилик воҳалари – рустоқлар шаклига эга эканлиги ҳамда айнан Қалъажик шу воҳанинг маркази ёки душман ҳужум қилганда ҳимояланадиган қалъа вазифасини бажарган бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу гуруҳ 1993 – 1996 йилларда ва 1999 йилда яна археологик тадқиқотлар олиб бордилар. Аммо бу тадқиқотлар даврида қалъа тарихига оид айтарлик ҳеч қандай янгилик топилмади.

1991 йилда Катта Қалъажикда Россия Фанлар академиясининг Санкт – Петербург археология бўлими ходимлари археолог В. Завьялов раҳбарлигида археологик

тадқиқотлар олиб бордилар. Бу тадқиқотлар асосан қалъанинг шимолий девори ва унинг ён атрофларида олиб борилди. Натижада мазкур шимолий девор ўртасида ҳоким саройи бўлмиш кўшк қолдиқлари топиб ўрганилди. Бу кўшк илк ўрта асрларга хос бўлиб (милодий VII-VIII асрлар), унга ғарбий томондан пандус (қия кўтарма йўл) орқали чиқилган. Пандуснинг узунлиги – 11,70 м., эни 3 – 3,60 м. бўлган ва шимолий девор ўртасидан бошланиб, шарқ тарафга қараб ёқалаб кетган. У катталиги 34x44 см, қалинлиги эса 9-11 см ҳажмдаги хом ғиштдан барпо қилинган ва усти сомон лой билан сувалган. Шунингдек, тадқиқотлар шимолий девор коридорларида ҳам олиб борилиб, қалъанинг муҳофаа тизими масаласига ойдинлик киритилди. Айниқса қалъанинг лабиринт шаклидаги дарвозалари яна бир бор катта қизиқиш уйғотади. В.Завьялов ҳам тадқиқотлар якунида шаҳар ҳаётини икки даврга бўлинишини тасдиқлайди. Бу тарихий даврлар М.Мамбетуллаев кўрсатган даврлаштиришга мос тушади. Шу билан бирга тадқиқот натижалари яна бир бор Қалъажикнинг аҳоли яшамайдиган ва фақат душмандан ҳимояланиш учун бекинадиган қалъа бўлганлигини тасдиқлайди. Аммо В.Завьялов Қалъажикнинг вужудга келиши милoddан аввалги III асрдан қадимги эмас деган хато хулосага келган. У илгари тадқиқотлар даврида топилган ва

милоддан IV аввалги асрга хос бўлган сопол синиқлари ва бошқа ашёларни чуқур ўрганмаган ёки ҳисобга олмаган кўринади. Лекин унинг ҳисоботида эллин (юнон) маданиятига хос нақшли оригинал декор ва черепицалар топилганлиги таъкидланади. Аммо афсус улар Санкт – Петербургга олиб кетилган ва бизнинг улардан археологик маълумот сифатида фойдаланиш имкониятимиз чекланган. Шу билан бирга бизнинг кўлимизда фақат мазкур археологик экспедиция қолдирган жуда қисқа ҳисобот мавжуд холос. Шунинг учун Қалъажикни яна қайтадан кенг миқёсда археологик жиҳатдан ўрганишимиз лозим. Айниқса, унинг атрофидаги майда ёдгорликлар (Кичик Қалъажик ўрни, Қушчақирган, Тепа авлиё ва Ғойиб ота ёдгорликлари) ҳам синчиклаб ўрганилиши лозим. Шунингдек, бу тадқиқотлар кейинчалик ёдгорликда реконструкция, реставрация ва консервация ишларини олиб бориш учун илмий асос яратиши ҳам лозим. Зеро уларнинг кўпчилиги табиат ва энг аввало инсоният фаолияти натижасида йўқ бўлиб бормоқда ёки йўқ бўлиб бўлди (жумладан, Кичик Қалъажик).

Шу ўринда тадқиқотлар натижаларини кузатар эканмиз, уларнинг натижалари шаҳарда илгаригидек 2 та ҳаёт ва қурилиш босқичи мавжуд бўлганлигини кўрсатсада,

бизнингча барча маълумотларни жамлаб ҳамда чуқур илмий асосда ўрганадиган бўлсак, ёдгорликда ҳаёт 4 босқичдан иборат бўлган деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Булар қуйидагилар:

1 – босқич – мил.ав. IV- милодий IV асрлар;

2 – босқич – милодий VI-VIII асрлар;

3 – босқич – IX-XIII асрлар;

4 – босқич – XVI-XIX асрлар.


Яъни, Абулғозий, Хасанбек Румлу, Мунис ва Огаҳийлар келтирган маълумотлар Қалъажик ва унинг атрофларида одамлар XVI-XIX асрларда ҳам яшаганлигидан далолат беради. Жумладан, Хасанбек Румлу ўзининг “Аҳсан ут - таворих” асарида худди Абулғозий асаридаги воқеани, яъни, Бухоро шайбонийлари ҳукмдори Убайдуллахон лашкарбошилари билан 1538 – 1539 йилларда Хоразмга юриши ва уларнинг Дарун ҳокими Динмуҳаммад билан уруши воқеасини келтириб ўтади. Унда тасвирланишича, Убайдуллахон лашкарбошилари билан жанг Ҳазораспдан Хива тарафга қараб 4 фарсах масофада катта ариқ ёқасида бўлиб ўтди деб тасвирлайди¹. Бир фарсах 6 – 7 км масофага тенглигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жой Ҳазораспдан 24 км ғарбдаги жойга, яъни айнан Қалъажикқа тўғри келади.

¹ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. II. – М.-Л., 1938, с. 59-60.

Зеро, бу жанг Абулғозийнинг “Шажарайи турк” ва Мунис – Огаҳийларнинг “Фирдавс ул - иқбол” асарларида ҳам айнан Кардан хаст ёки Гардан хаст (Қалъажик) ёнида бўлганлиги тўғридан – тўғри кўрсатиб ўтилган. Энг қизиғи эса Хасанбек Румлунинг маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, жанг қандайдир ариқ ўтиб турган жойда бўлганлиги, Убайдуллохон қўшинлари кўприк олди истехкомини эгаллаганликлари тасвирланади¹. Демак бу даврда ҳам Қалъажик ва унинг атрофларида одамлар яшаб, ҳаёт давом этганлигини кўрсатади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Мунис – Огаҳий асарида яна 1787 йилда, яъни, Муҳаммад Амин иноқ даврида манғитликлар исён кўтарганлиги воқеаси келтириб ўтилади. Унда, Хива хони манғитликларни тор – мор этгач, уларнинг Нукус қалъасини вайрон қилиб, унинг аҳолисини Бешариққа кўчиртиради. Улар айнан Қалъажик атрофига кўчирилган бўлса керак. Чунки, шунинг учун ҳам Қалъажик харобаларида жойлашган кўл яна Нукускўл деб ҳам аталади. Айнан кўчириб келтирилганлар Қалъажикда ҳаёт бутунлай сўниб қолмасдан яна давом этишига сабабчи бўлганлар ва айнан шу даврлар ёдгорликдаги ҳаётнинг тўртинчи босқичини ташкил қилади. Ҳатто 1930-40 йилларда ҳам унда қисман одам яшаган. Буни Г.П.Снесарев


¹ Ўша жойда: 60-бет.

рахбарлигилаги этнографик гуруҳ тадқиқот маълуотлари ҳам тасдиқлайди¹.



Қалъажик-қалъанинг схематик режаси.

¹ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969, 30-бет.



Қалъажик-қалъанинг коинотдан олинган сурати

Ўтказилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шаҳарда тадқиқотларни давом эттириш орқали янгидан-янги маълумотлар эга бўлиш, шунингдек шаҳарнинг антик ва ўрта асрлардаги қиёфасини тиклаш имконияти мавжуд бўлади.

Тадқиқот манбаларининг тарихий маълумотлар билан умумлаштирилиши.

Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган Қалъажик-қалъа археологик манбаларга қараганда, мил.ав. IV-III асрларда асос солинган. Қазилмалар натижасида ўқсимон шаклдаги шинаклар, “Г” шаклидаги лабиринтли дарвоза ва аниқ санани берувчи сопол идиш қолдиқлари топилди. Аммо бошқа Хоразм ёдгорликларидан фарқли равишда Қалъажик ёдгорлиги буржларга эга эмас, фақат шинаклар муҳофафизатида асосий рол ўйнайди. Иншоот деворлари қурилишнинг биринчи босқичида антик даврнинг анъанавий 40x40x10 см ҳажмдаги хом ғиштларидан тикланган. Ўрта асрларда эса илгариги девор устига пахса лойдан янги девор қурилган.

Агар Қалъажикнинг тарихини ўрганар эканмиз, унинг ҳаёт босқичлари давомида Хоразмда ва унга қўшни ҳудудларда, хусусан, Марказий Осиёда қандай сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий жараёнлар юз берганлигини четда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Бизга маълумки мил.ав. VI асрда Хоразм ахамонийлар Эрон давлати таркибига кирган. Айнан шу даврда Амударёнинг чап қирғоғида ҳам шаҳарлар ва қишлоқлар кўпаяди.

Мил.ав. IV асрда Хоразмда бир қатор қабилалар ўзаро

бирлашиб мустақилликни қўлга киритади. Айнан мил.ав. IV-III асрларда Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий соҳаларида катта бурилишларга сабаб бўлган муҳим сиёсий воқеалар бўлиб ўтади. Дастлаб Македониялик Искандар, кейинчалик Салавкийлар Ўрта Осиёнинг бир қанча вилоятларини босиб олади. Мил.ав. III аср ўрталарида бу вилоятларнинг баъзилари (Бақтрия, Сўғд) мустақилликни қўлга киритади ва янги сулолалар тахтларни эгаллайдилар.

Ана шундай бир шароитда Хоразм юқоридаги истилолардан четда қолади. Бунга сабаб улкан иккита чўл, Қизилқум ва Қорақум уни ташқи душманлардан ўз паноҳига олган эди. Бу пайтда катта ирригация ва қурилиш ишлари олиб борилади.

Қуйи Хоразмда магистрал каналлар тармоғи ва уларнинг бўйида бир қатор янги шаҳарлар барпо бўлади. Асосан бу шаҳарлар, шу жумладан, Қалъажик ҳам тўғрибурчакли шаклга, камдан-кам ҳолларда эса айлана шаклга эга бўлган. Шаҳарлар мустаҳкам муҳофаа деворлари ва чуқур ҳандаклар билан ўраб олинган. Муҳофаа деворлари ярим айлана шаклдаги миноралар ва кўплаб шинаклар билан кучайтирилган. Қалъажик-қалъадаги қазилмалар мил.ав. IV-III асрларда қалъа деворларини мустаҳкамлашга уринишнинг бир неча босқичларини кўрсатди.

Ўрта Осиёнинг антик давр шаҳарларини ўрганиш натижасида аксарият шаҳарларда ички қисми тўлалигича уй-жойлар билан банд бўлганлиги ва иккита катта маҳаллага ажралиб турганлиги маълум бўлади. Бу маҳаллаларни ўртадан битта кўча ажратиб туради ва охирида ибодатхонага олиб боради. Аммо бу ҳолат айнан Қалъажик – қалъада кузатилмайди. Қалъажик худди Қорақалпоғистонда жойлашган Аёзқалъа-1 мудофаа иншооти каби, фақат босқин пайтидагина аҳоли яширинадиган қалъа вазифасини бажарган.

Шаҳарларнинг режалаштириш тизимини таҳлил қилиш асосида уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчисига Кўҳна Уаз, Дарғон, Ваянгон ва шу каби бир қатор шаҳарларни киргизиш мумкин. Бу шаҳарлар учун хос бўлган нарса шаҳарни иккига ажратувчи деворлар мавжудлигидир. Тахминан, бир қисмида асосан арк жойлашган бўлиб, ҳукмрон табақа вакиллари айнан ана шу мустаҳкам қисмида истиқомат қилишган.

Иккинчи гуруҳ шаҳарларга Шоҳсанам, Шовот Катқалъаси ва Ҳазораспни киритиш мумкин. Бу шаҳарларда арк асосан бурчакда, шаҳар дарвозасига яқин жойда жойлашган. Марказда эса жамоат биноси ҳисобланган ибодатхона ёки жомъе масжиди қад кўтарган.

Бирок, юқорида таъкидлаганимиздек, Қалъажик ёдгорлигининг яна бир муҳим қизиқарли жиҳати шундаки, қалъа ичкарасида ҳеч қачон уй-жойлар қурилган эмас. Бу жиҳат эса уни Бозорқалъа ва Аёзқалъа каби шаҳарларга яқин қилади. Бу шаҳарларда аҳоли муқим яшашмаган ва кўпинча атрофдаги манзилгоҳлар аҳолиси учун уруш пайтларида жон сақлаш учун фойдаланилган.

Сиёсий жиҳатдан шаҳарлар жамоаларни бирлаштирувчи, мустаҳкам марказий жой сифатида каналларни ҳам ўз назоратига олган.

Антик даврнинг сўнгги даврларида шимолдан кўчманчи хионий, кидарий ва эфталит қабилаларининг ҳужумлари шаҳарларнинг тушкунликка учрашига, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади. Бу даврга оид сопол буюмларнинг ишланишида ҳам бу тушкунлик аломатлари сезилиб туради. Шунинг учун ҳам IV асрга келиб Қалъажикда бутунлай ҳаёт тўхтайтиди.

VI аср охири – VIII аср бошларида шаҳар ҳаёти африғийлар маданияти ва араб истилоси даври билан боғлиқдир.

IV асрда Хоразмда ҳокимият тепасига Хоразм сиёвушийларининг кичик авлоди, яъни африғийлар сулоласи келади. Шоҳ Африғ 305 йилда Ал-Фир қасрини қурдиради.

Мамлакат феодаллар ўртасидаги ўзаро урушлар гирдобида колган бир пайтда Африғ куч билан давлат бирлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Бу пайтдан бошлаб ўнг қирғоқдаги Кат шаҳри Хоразмшоҳлар пойтахтига айлантирилади ва ўнг қирғоқ мамлакатнинг етакчи ҳудудига айланди.

Хоразм эфталитлар даврида ҳам, турк хоқонлиги даврида ҳам ўз сиёсий мустақиллигини сақлаб қолади. Ҳукмдорлар ўнг қирғоқ Катда ўтириб давлатни бошқаришган. Аммо бу билан чап қирғоқда ҳаёт бутунлай сўнди дегани эмас. Қалъажикда африғийлар бу пайтда бироз қурилиш ишлари қилганликлари кўринади. Жумладан ёдгорлик шимолий девори ёқалаб ҳоким саройи кўшк қурилган ҳамда Қалъажик атрофидаги кўпгина ёдгорликлар (Қушчақирган, Тепа авлиё, Кичик Қалъажик ва ҳоказо) ҳам шу даврда барпо қилинган. Ҳазорасп ҳам бу даврда кучли қалъа сифатида қайтадан шаклланган.

Эфталитларнинг дастлабки бирлашувига асос бўлган ҳудуд бу Хоразмнинг шимолий-шарқий ҳудуди ҳисобланади. Тарихий манбаларда бу ҳудуд Кердор (Курдер) деб номланади. VI асрга келиб эфталитлар олдинги Кушонлар империяси эгаллаган ҳудудларни қўлга киритадилар. Эфталитлар улкан бу ҳудудда будда динининг қайта

тикланиши ва мустаҳкамланишига эришдилар. Бироқ 563, 567 йилларда эфталитлар салтанати туркларнинг ҳужуми оқибатида парчаланиб кетди.

Араб истилоси арафасида Ўрта Осиё ҳудудида бир қанча кичик мустақил феодал давлатлар мавжуд бўлган. Хоразмнинг ўзида ҳам бу даврда Амударё дельтасининг шарқий қисмида Кердор ўлкаси алоҳида ўзини-ўзи мустақил бошқарув ҳуқуқига эга бўлган.

Араб тарихчиси Табарий (VIII аср) нинг хабар беришича, араб истилоси арафасида Хоразмда ҳокимиятни хоразмшоҳнинг укаси Хурзод эгаллайди.

Хоразмшоҳ Чағон араб саркардаси Қутайба билан тил бириктириб Хурзодга қарши курашда ёрдам сўрайди. Ҳазорасп остоналарида араблар Хурзод кўшинларини мағлуб этадилар. Хоразмлик кўзғолончиларнинг қолганлари Хазар юртига кочадилар.

Чағон хоинлигидан халқ ғазабланиб яна кўзғолон кўтаради ва уни ўлдиради. Араблар иккинчи марта Хоразмга юриш қилиб кўзғолонни бостирадилар. Қутайба Катда тахтга хоразмшоҳнинг ўғли Аскажамуқни ўтқизади. Хоразмга амир қилиб Қутайба укаси Абдуллоҳни тайинлайди ва уни африғийлар маликасига уйлантириб сулола билан алоқани мустаҳкамлайди.

Абдуллоҳ ўз қароргоҳини Гурганжга (Кўҳна Урганч) жойлаштиради. Бу пайтда Гурганж чегара шаҳри бўлиш билан бирга савдо-сотик йўллари кесишган жой ҳам бўлган.

Илк ўрта асрларда чап қирғоқдаги Қалъажик қалъасида ҳаётнинг жонланишига эфталитларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, VI аср охири – VIII аср бошларида қалъа деворларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинган, кўшк барпо этилган.

Қалъажикда ва умуман бутун чап қирғоқ Хоразмда ҳаётнинг қайтадан жонланиши, археологик манбаларга қараганда IX аср охири – XII аср бошларига тўғри келади.

Бу даврда Хоразмда буюк ануштегинлар сулоласи (1097-1231 йй.) ҳукмронлик қилади. Форс ва араб манбаларида XIII аср бошига келиб Хоразмда шаҳарлар сони жуда кўпайгани ҳақида маълумотлар учрайди. Шаҳарларда йирик бозорлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, мадрасаю-масжидлар мавжудлиги қайд қилинади. Айниқса Амударёнинг чап қирғоғида ҳаёт жуда қайнайди.

Гурганж бу пайтда хоразмшоҳларнинг йирик пойтахтига айланади. Юксак маданият излари Хазораспдан бошланиб Гурганжда тугайди. Чап қирғоқда аҳоли жуда зич жойлашган эди. Айнан Қалъажик-қалъа ҳам бу даврда Кардаранхос номи билан одамлар гавжум бўлиб яшаган савдо-маданий

марказлардан бири бўлган. Шунини қайд қилиш лозимки, араб – форс манбаларида бу ҳақда эслатилмасда, Қалъажик – қалъада ҳеч бўлмаганда унинг атрофида бу пайтда бозор, масжид, мадраса, карвонсаройларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Хоразмнинг Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилиниши (1219-1221 йй.) кўпчилик шаҳарларда ҳаёт тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Қалъажик ҳам узоқ вақтгача аниқроғи XVII аср охиригача хувиллаб қолган шаҳарга айланди. Чунки бу ердан XIV – XVI асрларга оид ҳеч қандай манбалар топилган эмас.

Деҳқончиликнинг интенсив равишда ривожлана бориши билан Амударёдан қуйиладиган каналларнинг бош қисмини тартибга солиш масаласи кўтарилди. Ҳазорасп туманида фақат битта каналнинг бош қисми Амударё билан боғланди. Қолган каналлар шу бир тармоққа уланди. Шу сабабдан каналларнинг тузилиши ўзгарди, жумладан Ёрмиш канали ҳам.

Амударёнинг қадимги ўзанида, Хоразм воҳасининг маданий ҳаёт марказида жойлашган бу ёдгорлик ўзининг мил.ав. IV – I асрларга ва ўрта асрларга оид фортификация (мудофаа) иншоотларини жуда яхши сақлаб қолган. Бундан ташқари ёдгорлик атрофида қадимги иншоот ва турар –

жойларнинг излари ҳам сезилиб турибди.

Қалъажик-қалъа ўзининг қулай ерда жойлашганлиги, бу ерда ҳеч қандай замонавий қабристонларнинг йўқлиги уни консервация ва реставрация қилишга лойиқ эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари Қалъажик ёдгорлиги Хива ва Ҳазорасп каби машҳур туристик қалъа – ёдгорликларга ҳам жуда яқин ва уларни бир туристик маршрут объектлари бўлишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса шаҳар маданиятини ўзида тўла акс эттирувчи улкан очиқ музей барпо этиш учун замин яратади. Шунингдек бу туристик маршрутга Янгиариқдаги Олмаотишкан, Шовот Катқалъаси ва Тупроққалъасини, Воянган қалъаларини ҳам қўша бўлади.

Бу ёдгорликларнинг вилоят марказига яқинлигини ҳамда ўзига хос бир халқани ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни Хоразм бўйича “Олтин халқа” номи билан туристик маршрут йўналишларидан бирига айлантурса бўлади.

Шунингдек тадқиқот натижалари ёдгорлик ва унинг атрофларидаги қадимги ёдгорликларнинг тарихини ўрганиш билан боғлиқ масалаларни ҳам ечишга имкон берди. Албатта юқоридаги ишларни амалга ошириш учун шаҳарда археологик қазишмаларни давом эттириш ва ҳар бир

Ўрганилган объектни консервация қилиб бориш ҳам зарур ҳисобланади. Ёдгорлик ёнида қазилмалар натижасида олинган барча ашёвий манбаларни кўрсатувчи музей барпо қилинса ҳам мақсадга мувофиқдир. Туристик маршрутга қўшиш учун қалъанинг ичида ва унинг атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Қалъажик ёдгорлиги билан боғлиқ афсоналар

Манбалардан ёки халқ оғзаки ижодидан маълумки бирор – бир шаҳар ҳақида сўз кетганда, албатта бир афсонага дуч келамиз. Шу жумладан, Қалъажик – қалъа ёдгорлиги тарихи билан боғлиқ афсоналар ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги ривоят, афсоналарни 1958-1960 йилларда Қалъажик – қалъа ёдгорлиги атрофида яшовчи аҳоли қариялари билан суҳбатлар ўтказган Г.П.Снесарев тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, Қалъажик – қалъанинг халқ ичидаги номи Довудқалъа бўлиб, бу ном темирчилар пири бўлмиш Довудпир афсонаси билан боғлиқдир. Эмишки, бу қалъада Довуд пир яшаган ва қурол – яроғ ҳамда бошқа темир буюмлар ясаган экан. Халқ ичида ҳатто кечқурунлари баъзи – баъзида темирчи устанинг ишлаётганлиги, турли овозлар кулоққа чалиниб туриши ҳақидаги гаплар юради. Аммо бу товушларнинг бирорта ишончли манбаси бўлмасада, ёки афсонанинг ўзи тўлиқ бирор – бир шаклда етиб келмаган бўлсада бу афсона тагида ҳам маълум бир ҳақиқат ётади. Яъни Қалъажик – қалъа ва унинг атрофидаги кичик – кичик қалъалар (Кичик Қалъажик, Қушчақирган, Ғойибота) қадим замонлардан ва ҳатто ўрта асрларда ҳам Ҳазорасп билан бир мудофаа тизимига кирган чегара қалъалар вазифасини бажарганлар. Жумладан, араб сайёҳи Мақдисий Қардаранхос


худди Ҳазорасп каби баланд деворлар билан ўралган ва атрофида ҳандақи бўлган жуда мустаҳкам қалъа бўлганлигини ёзиб ўтади¹. Шундан келиб чиқиб, бу қалъаларда қурол – яроғлар сақланувчи омборлар бўлиши ва энг асосийси қурол – яроғ ишлаб чиқарилувчи темирчилик устахоналарининг мавжуд бўлиши табиий ҳол албатта. Балким айнан Қалъажикда илгаридан бутун Хоразмда донғи кетган темирчи усталар яшаган бўлиши, улар ясаган маҳсулотлар бутун Хоразмда маълум бўлган бўлиши мумкин. Бу эса кейинчалик халқ ичида темирчилик пири Довуд номи билан боғлиқ афсоналарнинг туғилишига сабаб бўлган.

Шуни қайд қилиш лозимки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Қалъажик ва унинг арофларидаги деҳқончилик воҳалари ўз тарихи давомида кўп марталаб ёки сувсизлик оқибатида, ёки кучли сиёсий жараёнлар таъсиридаги ижтимоий – иқтисодий инқирозлар натижасида аҳолининг бошқа жойларга кўчиши ҳам тез-тез содир бўлиб турган. Бу воқеалар ёзма манбаларда ўз аксини топмаган бўлсада, археологик тадқиқотлар бунини яққол кўрсатиб турибди. Натижада темирчи усталар маркази бўлган Қалъажикқа кейинчалик келиб ўрнашган аҳоли мазкур анъанани давом


¹ МИТТ, т. I, с. 188.

эттираолмаганлар ва Довудпир билан боғлиқ афсонани тўқиб чиқарганлар.


Умумий ҳолатда, Қалъажик-қалъа билан боғлиқ афсона ва ривоятлар жуда қисқа ва бир-бири билан боғланмайди. Уларни умумлаштириш мушкул.




Қалъажик – қалға – Кардаранхос акс этган археологик хариталар.




М.М.Мамбетуллаев томонидан чизилган схематик план.
 Уларда Қалъажик деворларининг қурилиш босқичлари акс
 эттирилган.








0 1 2 см



0 1 2 см

Қалажиқ – қалға ва унинг атрофларидан топилган сопол
идишлар



1973-1974 йилларда М.Мамбетуллаев томонидан чизилган ва калъа деворлари ривожланиш босқичлари акс этган чизма.

Мундарижа

Кириш	3
Қалъажик-қалъа тарихининг ёзма манбаларда ёритилиши.....	5
Қалъажик-қалъани археологик жиҳатдан ўрганилиши.....	10
Тадқиқот манбаларининг тарихий маълумотлар билан умумлаштирилиши.....	17
Қалъажик-қалъа билан боғлиқ афсоналар.....	22

Қурат Машарипов, Ҳанифа Раҳимова

“ҚАЛЪАЖИҚ-ҚАЛЪА”

(услубий қўлланма)

Мухаррир: **Yo'ldoshev Ro'zimboy**
Texnik muharrir: **Sherali Yo'ldoshev**
Musahhah: **Tamara Turumova**

UrDU noshirlik bo'limi O'zbekiston matbuot va axborot agentligining 2009-yil 19-avgustdagi №148 raqamli buyrug'i bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan.

Terishga berildi: 24.10.2016

Bosishga ruxsat etildi: 22.11.2016

Ofset qog'ozi. Qog'oz bichimi 60x84 ^{1/16}

Tayms garniturası. Adadi 100. Buyurtma №.50

Hisob-nashriyot tabag'i 3,2.

Shartli bosma tabag'i 3.

UrDU noshirlik bo'limida tayyorlandi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko'chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri,

H. Olimjon ko'chasi, 14-uy.

Telefon: (0-362)-224-66-01.

